

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

1991

ИСТИҚЛОЛИНГ МУБОРАК, ЖОН ЎЗБЕКИСТОН!

2012



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2012 йил 30-31 август кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда ялпи мажлисга таклиф этилган Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

● Сенаторлар ўз ишларини давлат раҳбарининг қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар. Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси давлат ташқи сиёсатининг фундаментал принциплари ва стратегик устувор йўналишларини, халқаро майдондаги мақсад ҳамда вазифаларини, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини илгари суриш механизмларини белгилаб берадиган қарашларнинг яхлит тизимидир. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар, шунингдек, қуйидаги қонунларни кўриб чиқиб, маъқулладилар:

● хусусий мулкни ҳимоя қилишни кучайтиришга, унинг дахлсизлигининг ишончли кафолатлари тизимини яратишга, мулкдорлар ҳуқуқлари кафолатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги;

● давлат органларининг тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик фаолиятига асоссиз аралашувиغا йўл қўймакликка, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қўшимча ҳуқуқий механизмларини яратишга қаратилган «Хўжалик юривчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги;

● «Мардлик» орденини таъсис этиш тўғрисида»ги. «Мардлик» ордени тўғри-

сидаги низомга мувофиқ ушбу орден билан ўзларини Ватанни ҳимоя қилишга ва она юрт хизматига бағишлаган, бунда мардлик ҳамда жасорат кўрсатган ҳарбий хизматчилар ва бошқа фуқаролар мукофотланади. Алоҳида ҳолларда «Мардлик» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин;

● асосий мақсади амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларини бирхиллаштириб, барча ташкилотларда меҳнат ҳақини меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткаси бўйича биринчи разряддан кам бўлмаган миқдорда белгилашдан, шунингдек, солиқ қонунчилигини янада такомиллаштиришдан иборат бўлган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги.

Мажлис давомида қуйидаги қонунлар ҳам кўриб чиқилди:

● суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширишда суд назоратини кучайтириш, суднинг суд муҳокамасини адолатли олиб боришдан иборат асосий вазифаси бажарилишини таъминлаш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари амалга оширилишига имкон берадиган «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги;

● «Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги.

Мажлисида Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган Фарғона вилоятининг Фарғона шаҳри ва Фарғона тумани чегара-

ларини ўзгартириш тўғрисидаги таклиф, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2011 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот кўриб чиқилди.

Сенаторлар Конституция нормаларига мувофиқ ва Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш юзасидан белгилаб берилган қоидаларни рўйбга чиқариш доирасида мамлакат минтақаларига хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан олиб борилган ишлар тўғрисидаги парламент эшитувини ўтказдилар.

Парламент эшитишда савол-жавоб тарзида кенг фикр алмашув бўлиб ўтди, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда минтақаларнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, жойларда инвестиция инфратузилмасини яратиш ва такомиллаштириш масалаларида, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг барқарор ишлаши масалаларини ҳал қилишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Кўриб чиқилган ҳамма масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тегишли қарорлар қабул қилди.

Сенатнинг икки кунлик мажлисида 24 та масала, шу жумладан демократик ислохотларни босқичма-босқич ва изчил чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган, амалга оширилиши аҳоли турмуш даражасини, мамлакатда барқарорлик ва фаровонликни янада оширишнинг қудратли омили бўладиган 9 та қонун кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати материаллари асосида тайёрланди.

Диққат марказида

РЕКЛАМА ҚОНУНЧИЛИГИ: ҚАНДАЙ ТАКЛИФЛАР БОР?

Реклама бозори субъектларида реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга ўз ҳиссасини қўшиш имконияти бор. Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (бундан кейин – Қўмита, Монополиядан чиқариш қўмитаси, Монополиядан чиқариш давлат қўмитаси) «Реклама тўғрисида»ги Қонун (бундан кейин – Қонун) ва Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомга* (бундан кейин – Низом) ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар лойиҳасини тайёрлади. Бу ҳақда Қўмита ходимлари яқинда Монополиядан чиқариш давлат қўмитасида ўтказилган, «Реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзусида ўтказилган давра суҳбати иштирокчиларини хабардор қилдилар.

Бу учрашув иккала тараф учун реклама бозорида мавжуд муаммоларни кўтариш, уларни ҳал этиш йўллари таклиф этиш имконини берди. Қўмита реклама бозори субъектлари билан чамбарчас ишлайди. Ушбу учрашув ташкилотчиларининг айтишларича, унинг яқунларига кўра барча масалалар умумлаштирилади, қонун ҳужжатларига тузатишлар киритиш бўйича таклифларни ишлаб чиқишда амалий таклифлар ҳисобга олинади.

Давра суҳбатининг ҳар бир иштирокчиси таклифлар билан батафсил танишиши, рекламани ривожлантириш йўлида янада қулай

4-бетда

*Монополиядан чиқариш давлат қўмитасининг АВ томонидан 6.04.2001 йилда 1024-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОРЛИГИ СТРАТЕГИК УСТУВОРЛИК СИФАТИДА

«Ўзбекэнерго» ДАК Ўзбекистонда умумий қиймати 800 млн АҚШ долларида ортиқ бўлган электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини (ЭИХНАТ) жорий этиш бўйича кенг миқёсли дастурни амалга оширишга киришмоқда. Ушбу иш бир қатор халқаро молия ташкилотларининг қарзларини жалб этган ҳолда амалга оширилади. Бу ҳақдаги ахборот Жаҳон банки қўллаб-қувватлаши билан Ўзбекэнерго Тошкентда ташкил этган халқаро семинарда тилга олинди. Дастурдан мақсад тижорий талафотларни камайтириш ва мамлакатнинг энергетик мувозанатини бошқаришни яхшилаш ҳисобланади.

Семинар иштирокчилари – энергетика компанияларининг вакиллари, электр энергиясини ҳисобга олувчи замонавий асбобларни ишлаб чиқарувчилар, шунингдек бир қатор давлатларда бошқарув тижорий тизимларининг провайдерлари – Ўзбекистонда ЭИХНАТни жорий этиш концепцияси ва дастури билан танишдилар, электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг замонавий тизимларини яратиш бобидаги тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Президентнинг 15.12.2010 йилдаги «2011–2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси санотини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида» ПҚ-1442-сон ва 27.12.2011 йилдаги «2012 йилга Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури тўғрисида» ПҚ-1668-сон қарорларига мувофиқ ЭИХНАТ дастурини амалга ошириш учун Ўзбекистон ҳукумати ва «Ўзбекэнерго» ДАК Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банкининг маблағларини жалб этдилар. Ислон тараққиёт банкининг қарзини ҳам жалб этишга тайёргарлик кўриляпти.

«Ўзбекэнерго» ДАК бошқаруви раиси Ботир Тешабоевнинг айтишича, электр энергияси ишлаб чиқаришда ҳам, унинг истеъмолида ҳам энергия самарадорлиги масалалари биринчи ўринга қўйилмоқда. Бугун биз ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг қувватини чексиз даражада ўстириш мумкин эмаслигини англаб етдик. Биз ундан фойдаланишни самарали ҳисобга олиш ва назорат қилиш тўғрисида ўйлай бошладик. Бу электр энергиясига доир харажатларни камайтиришга имкон берадиган ҳисобга олиш-

нинг самарали воситаларини жорий этишни, шунингдек энергияни тежаш сиёсатини ишлаб чиқишни талаб этади.

Ўзбекистон ушбу жиддий муаммодан четда қола олмайди. Энергия самарадорлиги бугунги кунда мамлакат учун ҳам, унинг энергия тизими учун ҳам стратегик жиҳатдан устувор вазифаси ҳисобланади. Республикада энергия ҳосил қилиш ҳажми анча юқори. Электр энергиясидан самарали фойдаланиш молиявий, техник талафотларни қисқартириш, унинг сифатини оширишга имкон бериши мумкин.

Бугунги кунда электр энергиясини узатишда унинг талафотлари қарийб 20%ни: тақсимлаш тармоқларида қарийб 13–15% ва узатишда 2–4%ни ташкил қилади. Мамлакатнинг бир қатор минтақаларида ушбу кўрсаткичлар янада юқори. Талафотларни 1%га камайтириш электр энергиясини бир йилда камида 26 млн АҚШ доллари миқдоридан тежашни билдиради. Бу талафотларни пасайтириш учун курашиш кераклигини яққол намоён этади.

Семинарда таъкидланишича, Ўзбекэнерго Тошкентда автоматлаштирилган тизимга уланган замонавий электрон ҳисоблагичлар билан жиҳозланган 53 минг абонентга мўлжалланган ЭИХНАТ тизимини жорий этиш бўйича бир қатор экспериментал лойиҳаларни амалга оширган. Энергия истеъмолини аниқ ҳисобга олиш ва тезкор назорат қилиш учун мўлжалланган ЭИХНАТ унинг бутун циклини автоматлаштириб, харажатларни қисқартириш тадбирларини ишлаб чиқишда ёрдам бериб, ташкил этишдаги хатоларни, уни тежаш имкониятини аниқлаш им-

конини беради. Тизим харажатларни мақбуллаштиради, истеъмо- л ҳажмини камайтиради, талон-тарож қилишдан ҳимояни таъминлайди. Зеро рухсат олмасдан тармоқларга уланиш катта талафотларга олиб келади. Шу нарса жуда муҳимки, ЭИХНАТ электр энергиясини ноқонуний олиш шохобчаларини дарҳол аниқлашда ёрдам бериб, бу билан талафотлар даражасини қисқартиради. Мавжуд тажриба ЭИХНАТни бутун республикада татбиқ этиш билан боғлиқ дастурда қўлланилади.

Семинар ташкилотчиларининг фикрича, тижорий талафотлар ва истеъмо- л қилинган электр энергияси учун ҳақ йиғиш чоғидаги талафотларни қисқартиришда экспериментал лойиҳаларнинг ютуғи намоён бўлади, бунинг натижасида энергетика корхоналарининг даромадлари кўпаяди. Натижалар кўрсатганидек, ЭИХНАТга уланган замонавий ҳисобга олиш асбоблари жорий этилганидан кейин ҳисобга олинган электр энергиясининг ҳажми 29%га кўпайган. Яъни унинг истеъмоли «ақлли», «интеллектуал» ҳисобга олинган ва назорат қилинганда эксперимент боришидаёқ илгари талафотга ҳисобланган товар маҳсулот тарзида электр энергиясининг улкан ҳажмини тармоққа қайтариш имкони юзага келган. Бу – бошланғич босқичдаёқ тизимнинг салоҳияти ва самарадорлигидан далолат берувчи яхши кўрсаткичдир.

Семинарда ЭИХНАТнинг нафақат маиший истеъмо- лчиларда (жисмоний шахсларда), балки йирик санот корхоналарида ҳам яхши таассурот қолдирадиган иш натижалари келтирилди. Бу ҳол уларга электр энергияси истеъмолини камайтириш, ресурсларни тежаш имконини берди. Айниқса бу энергияни кўп ишлатадиган истеъмо- лчилар тўғрисида сўз борганда сезилади. Ўзбекистон металлургия комбинати ЭИХНАТ жорий этилганидан кейин энергия билан таъминлаш ташкилотининг вакиллари билан ҳамкорликда энергия истеъмоли тўғрисидаги ахборотни таҳлил қилди ва технологик жараённи қайта курди. Комбинат

иш режимини ўзгартириш ҳисобига тиғиз вақтдаги юкломани камайтирди. Энергия истеъмолини ЭИХНАТ маълумотларидан фойдаланган ҳолда мақбуллаштириш унинг истеъмолини камайтириш имконини беради, корхонанинг салмоқли маблағини тежайди. 2011 йил якунларига кўра тежам 3 млрд 400 млн сўмни ташкил қилди. Навоий кон-металлургия комбинати – энергия тизимининг энг йирик истеъмо- лчисидан ЭИХНАТ имкониятларидан фойдаланишдан олинган иқтисодий самара 2011 йилда қарийб 8 млрд сўмни ташкил қилди. Олмалик кон-металлургия комбинати ЭИХНАТ 2011 йилда 1 млрд 821 млн сўмни тежаш имконини берди.

Тошкентдаги пилот лойиҳаларининг тажрибасига асосланиб, «Ўзбекэнерго» ДАК республика ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши билан бир неча босқичда 4,5 млн дан ортиқ истеъмо- лчинини ЭИХНАТ тизимига интеграциялаш ва уни кенгайтиришни режалаштирмоқда. Ўзбекистон истеъмо- лчиларининг самарали ва пухта электр таъминотига эътиборни қаратадиган ушбу стратегия Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва Ислон тараққиёт банки томонидан қўллаб-қувватланди. Лойиҳаларнинг амалга оширилиши Ўзбекистон энергетика секторининг молиявий барқарорлигини оширишга, электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштиришга имкон беради. Республиканинг барча вилоятларида электр энергиясини тақсимлаш тизими босқичма-босқич 2015 йилга қадар жорий этиладиган лойиҳаларни амалга ошириш объекти ҳисобланади. Уларнинг асосий мақсади – ЭИХНАТ комплекс тизимини жорий этиш, шу жумладан ҳисобнинг аниқ, ишончли ва тўлиқ бўлишини таъминлаш, электр энергияси талафотларини пасайтириш, истеъмо- лчиларнинг молиявий интизомини таъминлаш имконини берадиган янги электрон ҳисоблагич асбобларини ўрнатиш ҳисобига электр энергиясини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштиришдир.

Ўзбекистон ҳукумати ва «Ўзбекэнерго» ДАК Осиё тараққиёт банкидан ЭИХНАТ лойиҳасини Самарқанд, Бухоро ва Жиззах вилоятларида амалга ошириш учун 150 млн АҚШ доллари миқдоридан ҳамкорлик маблағи олди. 2012 йил 27 мартда Жаҳон банкининг Ижрочи директорлар кенгаши ЭИХНАТ лойиҳасини Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида амалга ошириш учун 180 млн АҚШ доллари миқдоридан қарз ажратилишини маъқуллади. Булар энергияни энг кўп истеъмо- л қиладиган минтақалар бўлиб, бу ерда ЭИХНАТ тизимини жорий этиш катта аҳамиятга эга бўлади. Андижон, Наманган, Фарғона, Қашқадарё вилоятларида, улар орасида Фарғона водийсининг аҳоли зич жойлашган минтақалари бор, энергия тежашга эътибор берилган учинчи лойиҳани амалга оширишга Осиё тараққиёт банкининг қарзи жалб этилади. Ҳозир аниқлаштирилган лойиҳанинг прогноз қиймати қарийб 200 млн АҚШ долларини ташкил этади. Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Хоразм ва Сурхондарё вилоятлари учун тўртинчи лойиҳа Ислон тараққиёт банки билан ҳамкорликда тайёрланяпти. Унинг прогноз қиймати қарийб 120 млн АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу лойиҳанинг ўзига хослиги айниқса Қорақалпоғистонда истеъмо- лнинг тарқоқ жойлашганлиги, энергияни жуда катта масофаларга узатишни ташкил этишда кўзга ташланади.

Тўрт лойиҳанинг ҳаммаси амалга оширилганидан кейин республиканинг барча минтақаларида ЭИХНАТни жорий этиш иши якунланади. Истиқбол режаларида республиканинг барча истеъмо- лчиларини ягона биллинг марказига интеграциялаш вазифаси қайд этилган, бу эса тўловлар тизимини янада самарали бошқариш, электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмо- л қилиш мувозанатини мониторинг қилиш имконини беради.

Ирина ГРЕБЕНЮК,
мухбиримиз.

УШБУ СОНДА:

УСТУВОРЛИКЛАР

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида ахборот
1-бет

МИЛЛИЙ ЛОЙИХАЛАР

– Энергия тежамкорлиги стратегик устуворлик сифатида
2-бет

ЮРИДИК МАСЛАХАТЛАР

– Пиво учун ҳам лицензия керак
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
3-бет

ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

– Реклама қонунчилиги: қандай таклифлар бор?
1, 4-5-бетлар

КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Иш қидириш: иккинчи уриниш
– Фақат ходимнинг розилиги билан
– «Ишсиз» ёки «ишламайдиган»?
– Ҳаммаси муайян вазиятга боғлиқ
6-7-бетлар

ФАРМОН ВА ИЖРО

– Статистик ҳисоботни «eStat» орқали жўнатиш!
– Ўзганинг тулпори ўзингники эмас
8-бет

Эълон

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2012 йил 14 августдаги 307-аф-сонли буйруғига асосан «Урганч-Аудит» масъулияти чекланган жамиятига 2008 йил 20 ноябрда берилган 00132-сонли лицензиянинг амал қилиши 2012 йилнинг 14 августидан тугатилди.

Молия вазири ўринбосари М.МИРЗАЕВ.

Компаниянинг асосий фаолияти – пивони улгуржи реализация қилиш. Бироқ уни чакана сотиш бўйича операциялар ҳам бажарилади. Вази́рлар Маҳкамасининг 29.05.2012 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги 148-сон қарорининг 67-бандига биноан пиво алкоғолли маҳсулот ҳисобланади ва уни алкоғолли маҳсулотлар билан чакана савдо ҳуқуқи учун рухсатнома мавжуд бўлган тақдирда юридик шахслар томонидан сотишга йўл қўйилади.

Пивони улгуржи ва чакана реализация қилиш учун компанияга лицензия лозимми? Харидорлардан лицензия талаб қилинадими?

Ирода, бош бухгалтер.



учун юридик шахсларга рухсат гувоҳномаси мавжуд бўлганда ижозат берилади, уни олиш тартиби Алкоғолли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низом (Президентнинг 16.03.2007 йилдаги ПҚ-605-сон қарорига 1-илова) билан белгиланган.

Мазкур ҳужжатлар қайта сотиш мақсадида пиво харид қиладиган юридик шахсларда бўлиши керак.

ПИВО УЧУН ҲАМ ЛИЦЕНЗИЯ КЕРАК

– Пивонинг улгуржи савдоси учун юридик шахс Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисида низомда (ВМнинг 5.11.2005 йилдаги

242-сон қарори билан тасдиқланган) назарда тутилган тартибда лицензия олиши лозим.

Пиво билан чакана савдо қилиш



ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРДАН ИШОНЧНОМА

Ассалому алайкум, «НОРМА»нинг ҳурматли мутахассислари!

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун бераётган тушунтиришларингиз учун миннатдорчилик билдирмоқчиман. Улар мамлакатимиз ва ундан ташқарида меҳнат фаолиятини юритаётган, турли ихтисослик ва йўналишдаги ходимларнинг юридик, иқтисодий саводхонлигини оширади.

Корхонамиз 67 йилдан буён лок-бўёқ маҳсулоти ишлаб чиқариш ва уни Ўзбекистон бозори ва хорижда реализация қилиш билан шуғулланади. Бизга кўпинча хусусий тадбиркорлардан мижозлар келиб, харид қилинган маҳсулотга ҳақ тўлаган мазкур тадбиркорлар билан тузилган шартномалар бўйича улар номидан омбордан лок-бўёқ маҳсулоти олишга нотариал тасдиқланган ишончномаларни тақдим эта бошладилар.

Меъёрий ҳужжатни кўрсатган ҳолда аниқ жавоб берсангиз: биз мазкур ишончномани қабул қилишимиз ва маҳсулот беришимиз мумкинми ёки уни беришни рад этишимиз керакми?

Н.Попова, ҚКнинг молиявий директори.

– Агар ишончнома Фуқаролик кодексининг (ФК) 134, 135, 139-моддаларида қайд этилган талабларга мувофиқ келса ҳамда Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисида низомда (молия вазири-нинг АВ томонидан 27.05.2003 йилда 1245-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган, бундан кейин – Низом) назарда тутилган қуйидаги мажбурий маълумотларга (реквизитларга) эга бўлса, у ижрога қабул қилинади:

- рақами ва берилган санаси;
 - амал қилиш муддати;
 - ишонч қоғози берувчи (ишончнома берган якка тартибдаги тадбиркор) ва ишончли вакил (ишончнома берилган шахс)нинг Ф.И.Ш. ва паспорт маълумотлари (паспортларнинг серияси, тартиб рақамлари, ким томонидан ва қачон берилганлиги);
 - етказиб берувчининг номи ва унинг манзили;
 - ТМБ харид қилинишига шартноманинг рақами ва санаси;
 - ишончнома бўйича олинандиган ТМБ номи, бунда сони ва ўлчов бирликлари кўрсатилади;
 - ишончли вакил имзосининг тасдиғи.
- Бунда шуни эсда тутиш лозимки, қонун ҳужжатларида якка тартибдаги тадбиркорларга бериладиган ишонч-

номанинг стандарт қолипи назарда тутилмаган. Шу сабабли у эркин тарзда тузилиши мумкин, асосий шарт – унинг ФК ва Низом билан белгиланган талабларга мувофиқлиги. Низомга илова қилинган, ўз ходимларига ишончномалар бериш чоғида юридик шахслар учун белгиланган намуналардан фойдаланиш мумкин, уларнинг устунлари ва сатрларини тўлдираётганда якка тартибдаги тадбиркор мақомининг ўзига хослигини ҳисобга олиш лозим.

ФКнинг 139, 141-моддалари ва Низомнинг 10-банди талабларидан келиб чиққанда, ишончнома бўйича ТМБ беришдан бош тортиш учун қуйидаги ҳоллар асос бўлиб ҳисобланади:

- тўлдириш тартибини бузган ҳолда ёки тўлдирилмаган реквизитлар билан берилган ишончномалар тақдим этилганда;
- тузатилган ва бўялган жойлари мавжуд бўлган ишончномалар тақдим этилганда;
- ишончномада кўрсатилган паспорт тақдим этилмаганда;
- ишончнома берилган муддат тугаганда;
- қабул қилиб олувчидан ишончнома бекор қилинганлиги тўғрисида хабар олинганда;
- ишончли шахс лаёқатсиз, чекланган лаёқатли деб тан олинганда.

Битимлар тузилаётганда расмийлаштириладиган ишончномаларнинг намунавий нусхалари ва уларни қўллаш амалиёти тўғрисида тушунтириш материаллари «Корхона юристи» электрон маълумотнома тизимида берилган.

Артём МОКШИН, «Норма» эксперт юридик хизматининг раҳбари.

Қонунчиликдаги янгиликлар

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



«АНГРЕН» МИЗ – ИНФРАТУЗИЛМА ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАДИГАН ЗОНА

Вази́рлар Маҳкамасининг 17.08.2012 йилдаги 247-сон қарори билан 2013–2015 йилларда «Ангрен» маҳсус индустриал зонасининг транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш дастури маъқулланди. «Ангрен» МИЗнинг Маъмурий кенгашига Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги тақдимномаси бўйича Дастурга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилган. Дастур бўйича жами инвестициялар ҳажми эквивалентда 59 461,6 минг долларни, шундан электр таъминотига – 13 482,3; газ таъминотига – 3 568,5; сув таъминоти ва оқава чиқаришга – 28 118,4; темир йўл инфратузилмасига – 4 360,0; автомобиль йўлларига – 9 932,4 минг долларни ташкил қилади. Лойиҳаларнинг якуний қиймати лойиҳа-смета ҳужжатлари ва тендер савдолари натижалари бўйича аниқлаштирилади. Ҳисоб-китоб қилишда доллар кўрсати 1 АҚШ доллари учун 2 090 сўм этиб қабул қилинади.

БЮД БЛАНКАЛАРИНИ ДБҚ РУХСАТИСИЗ ТАЙЁРЛАШ МУМКИН

Давлат божхона кўмитасининг қарори (АВ томонидан 17.08.2012 йилда 834-22-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш киритилди. Энди божхона юк декларацияси бланкаларини тайёрлаш ва улардан фойдаланиш учун ДБҚ рухсатини олиш талаб қилинмайди.

2012 йил 27 августдан кучга кирди.

ҚК БОЗОРИДАГИ ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР



Давлат мулки кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг буйруғи (АВ томонидан 21.08.2012 йилда 1131-6-сон билан рўйхатдан ўтказилган)

билан Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бузилишига доир ишларни кўриб чиқиш ва жазо қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишига доир ишни юритишга қабул қилиш муддати белгиланган бўлиб, у қонунбузарликнинг белгилари аниқланган кундан бошлаб 3 ойни ташкил қилади.

2012 йил 31 августдан кучга киради.

Ҳужжатларга қисқача шарҳларни эксперт-юристимиз Елена ЕРМОХИНА тайёрлади.

Реклама



Электрон маълумотнома тизими

КОРХОНА ЮРИСТИ

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1. 6-қават.

Тел./факс: (998 71) 283-23-74.

E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz

1-бетда

шароитларни яратиш борасида ўз фикрини айтиши учун таклифлар пакетини олди. Лойиҳани ишлаб чиқишнинг бошланғич босқичида ушбу масалаларни муҳокама қилиш жуда муҳим. Реклама бозори иштирокчиларининг фикрларини ҳисобга олмасдан, улар кундалик амалиётда тўқнаш келаётган муаммоларни ҳал этмасдан туриб «ўйин қоидалари»ни ўрнатиб бўлмайди. Бу эса турлича баён этилиб, турли хил талқинга сабаб бўладиган масалаларни тўлиқ инобатга олиш ва тартибга солиш имконини беради.

Монополиядан чиқариш давлат қўмитасининг реклама фаолиятини назорат қилиш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя этиш бошқармаси (бундан кейин – *Бошқарма*) **бошлиғи Дилшод Азимовнинг** айтишича, Қўмита зиммасига реклама тўғрисидаги



Дилшод Азимов:

– Реклама қилинадиган маҳсулотнинг сифатига қўйиладиган талаблар кучайтирилишини истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида гамхўрлик қилиш тақозо этади.

қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифаси юклатилган. Республиканинг реклама бозори бугунги кунда жадал ривожланмоқда. Бу эса иқтисодиёт ривожланишининг ўзига хос индикаторидир. Мамлакатда бозор муносабатларининг асоси ҳисобланган хусусий мулкнинг устуворлигини мустаҳкамлайдиган қонунчилик базаси барпо этилган.

«Реклама тўғрисида»ги Қонун 1998 йилда, Рекламанни жойлаштириш тўғрисидаги Низом эса 2001 йилда қабул қилинган. Ана шу вақт ичида иқтисодиётда, ижтимоий соҳада кўп нарса ўзгарди. Ушбу ўзгаришлар қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, реклама бозорини ривожлантириш учун янада қулай шароитлар барпо этишга доир таклифлар киритиш заруратини келтириб чиқарди.

Бошқарманинг реклама бозори шуъбаси мудири **Бобур Рашидов** реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштиришга муҳтожлигидан далолат берадиган рақамларни келтирди. Ўтган йили Қўмита ва унинг ҳудудий органлари 1 000 дан ортиқ ҳолатда қонунчиликка риоя этилишини ўрганиб, натижада уларнинг ярмидан кўпиди ҳуқуқбузарликларни аниқладилар. Ушбу иш якунлари бўйича 300 млн сўмдан кўпроқ суммада жарима санкциялари қўлланди. Реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳоллари таҳлил қилинганда рекламага қўйиладиган талаблар бўйича қуйидаги ҳуқуқбузарликлар аниқланди:

- рекламага қўйиладиган асосий талаблар – 55;
- рекламани идентификациялашга доир – 37;
- реклама қилиш тақиқланган товарларнинг рекламаси бўйича (тамаки ва алкогольли маҳсулотлар, рецепт орқали сотиладиган дори воситаларини жойлаштириш) – 46;
- ишончсиз рекламани жойлаштириш бўйича – 8;
- яширин рекламани жойлаштириш бўйича – 27;
- рекламани транспорт воситаларида жойлаштириш бўйича – 12;
- рекламани телевидение ва радиода

жойлаштириш, шунингдек яширин ва қиёслама реклама бўйича – 32;

- ташқи рекламани жойлаштириш бўйича – 383;

- ҳуқуқбузарликларнинг бошқа турлари – 150.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида 300 га яқин кўрсатма берилди. Хўжалик юритувчи субъектларнинг 239 мансабдор шахсига нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланди.

Қонунни тўлдириш ва ўзгартириш бўйича Монополиядан чиқариш давлат қўмитаси тайёрлаган таклифларнинг муҳим жиҳатлари қандай? Бу ҳақда **Дилшод Азимов** ҳикоя қилади.

ПЕШЛАВҲАМИ ЁКИ РЕКЛАМА?

Реклама тарқатувчиларнинг таъкидлашларича, қонун ҳужжатларининг нуқсонларидан бири – бинолар пештоқларидаги пешлавҳалар хусусида аниқ регламентнинг йўқлигидир. Натижада пешлавҳа тарзида ўзбошимчалик билан ноқонуний реклама ўрнатилиши мумкин. Баъзан бино турли компанияларнинг брендларига тўлиб кетади, бу эса меъморий қиёфани бузиб, ҳақиқий реклама ривожланишига тўсқинлик қилади. Биринчидан, бу расмий равишда руҳсат берилган рекламадан қочиш, иккинчидан эса, солиқ тўлашдан бўйин товлашга олиб келади.

Кўпчилик пешлавҳалар ва кўрсаткичларни жойлаштиришга тааллуқли меъёрларни турлича талқин қилади. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида белгиланишича, ишлаб чиқарувчи ўз корхонасининг номи ва жойлашган (юридик) манзили, иш режими ҳақида истеъмолчини хабардор қилиши шарт. Бундай маълумот пешлавҳада акс эттирилиши лозим, у реклама ҳисобланмайди. Қонунга (2-модда) қўшимча ва ўзгартиришлар киритишга доир таклифларда биз ушбу меъёрни қуйидагича аниқлаштиришни таклиф қиламиз: ...агар **пешлавҳалар ва кўрсаткичлар реклама тусидаги маълумотларни ўз ичига олмаса. Жисмоний ва юридик шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган эълонлари; товарда ёки унинг ўрвида жойлаштирилган, товар, уни ишлаб чиқарувчи, импорт ёки экспорти тўғрисидаги ахборот** ҳам реклама ҳисобланмаслигини белгилашни таклиф қиламиз. Бизда товардаги ахборот ҳам реклама ҳисобланмайди, бироқ баъзан этикетка хусусида у рекламами ёки йўқми деган саволлар туғилади. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасида назарда тутилишича, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт. Этикетка эса товар тўғрисида ахборот бериш шаклларида биридир.

Яна бир жиҳат **одобдан ташқари, реклама қилишга нолойиқ** тушунчалар билан боғлиқ. Қонунга ушбу тушунчаларнинг аниқ талқинини (4-модда), шунингдек бундай реклама тарқатилишини тақиқлайдиган 2 модда (13-1 ва 13-2-моддалар) киритиш таклиф қилинапти.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига кўра, республика ҳудудида реклама давлат тилида ёки реклама берувчининг хоҳишига кўра бошқа тилларда тарқатилади (Қонуннинг 5-моддаси). Бироқ 1989 йилда қабул қилинган «Давлат тили тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ рекламани давлат тилида ва, реклама берувчининг хоҳишига кўра, **қўшимча равишда** бошқа тилларда тарқатиш таклиф қилинмоқда.

Ижтимоий рекламанинг аҳоли ўрганилганда бу борада уни тарқатиш билан боғлиқ кўп саволлар юзага келганлиги аён бўлди. Масалан, унда брендлар, товарлар,

товар белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари кабилардан фойдаланиш мумкинми? Амалдаги қонун ҳужжатларида ушбу саволларга жавоб йўқ. Баъзан уни тижорат рекламаси билан кўшиш ёки Ўзбекистонда реклама қилиниши тақиқланган товарларни ҳам (масалан, алкогольли, тамаки маҳсулотлари) яширин реклама қилишга уринадилар. Масалан, телевидениеда шаҳарда тозалани сақлаш мавзусини кўтарилган, экологик тусдаги ижтимоий реклама тарқатилди. Сюжетда бола ўйинчоқ машинага чиқиндиларни, шу жумладан номи кўришиб турган сигареталарнинг ташлаб юборилган қутчасини солади. Қўмитанинг кўрсатмасига кўра ушбу ижтимоий ролик ўзгартирилиб, қонун ҳужжатларига мувофиқлаштирилди.

Ҳар томонлама қонунчиликка мослаштириш мақсадда Қонуннинг 16-моддаси ва Низомнинг 10-бандига қуйидагича қўшимча киритиш таклиф этилди: **ижтимоий рекламада товарларнинг аниқ русумлари (моделлари, артикуллари), товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва уларни индивидуаллаштиришнинг бошқа воситалари, жисмоний шахслар ва юридик шахслар тўғрисида эслатишга йўл қўйилмайди, давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳомийлар тўғрисида эслатиб ўтиш бундан мустасно.**

Яна бир муҳим қўшимча – реклама қилинаётган маҳсулот сифатига қўйиладиган талабларнинг кучайтирилишидир. Буни истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида гамхўрлик тақозо этмоқда. Уни жойлаштириш учун, амалдаги қонун ҳужжатларига кўра (Қонуннинг 8-моддаси), реклама берувчи реклама тайёрловчи ёки тарқатувчининг талабига биноан реклама ахборотининг ишончилигини тасдиқловчи ҳужжатлар, лицензияни (агар фаолият лицензияланадиган бўлса) тақдим этиши керак. Биз реклама берувчининг мажбуриятлари доирасини кенгайтиришни ҳам таклиф этдик: **маҳсулот реклама қилинаётганда у тегишли сертификат тақдим эти-**



ши (агар маҳсулот мажбурий равишда сертификатланса) керак.

БОЛАЛАРГА ЗИЁН-ЗАҲМАТ ЕТКАЗМАСЛИК УЧУН

Бир қатор янгиликлар киритилишини воёга етмаганлар тўғрисида гамхўрлик – уларнинг ишонувчанлиги ва тажрибаси етарли эмаслиги суиистеъмол қилинишидан ҳимоялаш тақозо этди. Болалар учун реклама уларнинг руҳиятига таъсир қилиши, соғлиққа зарар етказиши мумкин. Реклама таъсирида болаларнинг улар ота-оналари доим ҳам таъминлай олмайдиган эҳтиёжлари пайдо бўлиши мумкин. Шоколад батончалари, резина сақичлар, қовурилган картошка бўлақлари, газли сув, қандолат маҳсулотлари ва бошқа егуликлар рекламаси болаларда носоғлом овқатланиш одатини шакллантиришга қодир. Шу сабабли Қонун (7-модда) ва Низомга (16-банд) тақиқлаш тусидаги бир қатор талабларни киритиш

тавсия қилинапти. Хусусан, **болаларнинг табиатан ишонувчанлиги ёки уларда тажрибанинг йўқлигидан фойдаланадиган; жумладан, «фақат», «атиғи» ва шу сингари сўзларни қўллаш, шунингдек реклама қилинадиган товар ҳар қандай оилавий бюджет учун оғир эмаслигини бевосита ёки билвосита кўрсатиш йўли билан воёга етмаганларда товарнинг қиймати (нархи) тўғрисида норепал (ҳақиқатдан йироқ) тасаввур ҳосил қиладиган реклама тақиқланиши керак.** Шунингдек **реклама қилинаётган егуликни бир кунда истеъмол қилиш сонини кўпайтириш ёки асосий егуликни енгил таом (қандолат маҳсулотлари ва ҳоказо) билан алмаштиришни рағбатлантириш ҳамда болаларни шунга чақиртириш тақиқланади.**

Болаларни ёшига тўғри келмайдиган, уларнинг соғлиғига зарар еткази оладиган ўйинчоқлардан ҳимоя қилиш учун, **ўйинчоқ муайян ёшдаги болалар учун мўлжалланганлиги, шу сабабли мазкур ўйинчоқ билан болалар ўйнаганда эҳтиёт чораларини кўриш хусусида тегишли ахборот бўлмаган** рекламани тақиқлаш таклиф қилинади. Бунда биз баъзан реклама қилинаётган маҳсулот (товар) ичида, хусусан, муайян ёшга етмаган болаларга тавсия қилинмайдиган ўйинчоқлар бўлишини ҳисобга олдик. Ҳатто агар бундай ўйинчоқларда қўллашга доир йўриқнома бўлса ҳам, улар оғоҳлантирувчи ёзув билан бирга реклама қилиниши керак (телевизион рекламада уни трансляция қилиш вақти идрок этиш учун етарли бўлиши керак). Мисол сифатида «Киндер-сюрприз»ни келтириш мумкин, унинг айрим қисмлари эҳтиётсиз муомала қилинганда боланинг соғлиғига шикаст етказиши (масалан, нафас олиш йўлларига тушиши) мумкин. Ўров ёки унинг ичидаги йўриқномада ўйинчоқ 3 ёшгача бўлган болаларга мўлжалланмаганлиги кўрсатилган. Бироқ унинг рекламасида бу ҳолат эслатилмади.

Бошқа таклифлар орасида – **мактаб дарсликлари, дафтарлар, кундаликлар саҳифаларида товарлар рекламаси; воёга етмаганларни хавфли жойлар ва вазиятларда намойиш этиш; болалар тасвирлари она сути ўрнини тўлақонли босиши тўғрисида ахборотни тарқатишга тақиқ белгилаш бор** (Қонуннинг 16-моддаси; Низомнинг 16-банди).

ҲОМИЙЛАРНИНГ ХИЗМАТЛАРИ

Телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар, бошқа оммавий ахборот воситалари учун материаллар тайёрлаш, театр-концерт, спорт тадбирлари ва бошқа тадбирларни ташкил этишда ҳомийлар иштирок этишлари мумкин. Қонуннинг 12-моддасида телекўрсатув ва радиоэшиттиришларни тайёрлашда ҳомийлик хизматлари қандай акс эттирилиши кераклиги тартибга солинса-да, реклама тарқатувчилар билан учрашувларда албатта бу ҳақда саволлар туғилади. Улар асосан бундай рекламанинг қанча давом этиши, ҳомийнинг логотипи, товарлари, товар белгиси ва Қонунда қайд этилмаган бошқа нарсалардан фойдаланиш имкониятига тааллуқлидир. Шу сабабли турлича талқин қилишга олиб келади қонун ҳужжатлари ҳисобга олинган янада аниқ регламентни таклиф қиламиз (Қонуннинг 12-моддаси). Хусусан, **ҳомийлик ва ҳамкорлик белгилари (ҳомийлик заставкалари ёки оғзаки эълонлар) телекўрсатув ва радиоэшиттиришнинг бошланиши ҳамда охирида фақат бир мартадан жойлаштирилиши керак. Телеканалларда ҳомийлик рекламаси вақти 5 сониядан, радиоканалларда 20 сониядан ошмаслиги керак.**

Қуйидагилар тақиқланади: дикторлар ёки телекўрсатувнинг бошқа иштирокчилари томонидан ҳомийларга миннатдорчилик айтилиши ёки уларнинг эслатилиши;

ҚАНДАЙ ТАКЛИФЛАР БОР?

тегишли хоналарда телевизион маҳсулот тайёрлаётганда дастур декорациялари, реkvизитлари сифатида бирор-бир реклама (плакатлар, баннерлар, панно ва бошқалар)ни шу мақсадда жойлаштириш;

ҳомийнинг товар белгиси ёки маҳсулотнинг ўзи тасвирланган буюмлардан (футболкалар, пешбандлар, кепкалар ва ҳоказо) фойдаланиш.

Мазкур тақик чет ташкилотлар тақдим этадиган телевизион маҳсулот, голибларга ҳомий логотипи солинган соvrинларни топшириш, шунингдек мамлакат ичида ва ундан ташқаридан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий воқеаларни ёритиш хусусиятига эга бўлган телевизион маҳсулот тайёрлашга татбиқ этилмайди.

РАДИО ВА ТВ УЧУН РЕГЛАМЕНТ

Телевидение ва радиодаги рекламага қўйиладиган талаблар – жуда муҳим жиҳат. Улар амалдаги қонун ҳужжатларида акс эттирилганлигига қарамай, бу хусусда кўплаб саволлар туғилипти. Уларнинг кўпчилиги радио ва ТВда реклама қанча давом этиши билан боғлиқ (Қонуннинг 17-моддаси). Турлича талқин ва ноаниқликка эга йўл қўймаслик учун Қонун ва Низомга муҳим қўшимчалар киритиш тақлиф қилинган (11-1, 14-бандлар). Қонун ҳужжатлари билан белгиланишича, телерадиоташкилотлари учун рекламага ажратилган вақт эфир вақтининг ҳар бир соатида 10%дан ошмаслиги керак. Ушбу меъёрга реклама соатини қандай белгилаш кераклиги тўғрисида аниқлаштириш киритиш тавсия қилинган: **кўрсатув (эшиттириш)нинг астрономик соатидан келиб чиқиб (масалан, 9 соат 00 дақиқадан 10 соат 00 дақиқача – 1 соат ва ҳоказо).** Бироқ кўрсатув (эшиттириш) вақтининг бошланиши (туғаси) астрономик соатнинг бошланиши (туғаси) билан мос тушмаслиги мумкин. Қонун ва Низомга киритиш тақлиф қилинаётган қўшимчаларда бундай ҳолларда реклама ҳажми қандай белгиланиши; реклама блоклари ва уларнинг хронометражи қандай жойлаштирилиши; хорижий каналлар спорт муносабатларини тўғридан-тўғри ёки ёзувда эфирда бериш вақтида рекламани жойлаштириш тартиби ва ҳоказолар аниқлаштирилган. Телерадиодастурларда Ўзбекистон Республикасида эълон қилинган мотам кунларида рекламани тарқатишга йўл қўйилмайди. Ушбу чекловлар кабелли телевидение каналлари орқали тарқатиладиган рекламага татбиқ этилмайди. Хорижий давлатдан республикага тарқатиладиган (трансляция қилинадиган) реклама, агар у мамлакат қонун ҳужжатларига зид бўлса, халқаро меъёрлар ва Ўзбекистон қонун ҳужжатларига мувофиқ тўхтатиб қўйилиши керак.

МОБИЛ ТЕЛЕФОНЛАРДАГИ РЕКЛАМА

Мобил телефонлардаги реклама масаласи ҳам бугунги кунгача тартибга солинмай келмоқда. Уяли алоқа операторлари абонентларга реклама тусидаги кўп сонли хабарларни, улар буни хоҳлашлари ёки хоҳламанликларидан қатъи назар, тиқиштирадilar. Кўп истеъмолчиларда бу ҳақли равишда норозилик туғдирипти. Баъзан бир кунда реклама хабарлари сони абонентга қўнғироқлар сонидан ошади. Реклама хабарлари олинганидан кейин истеъмолчи ажабланиб, бундай хизмат натижасида унинг ҳисобидаги пул камайганлигини қайд этган ҳоллар юз берган. Бу «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ва «Реклама тўғрисида»ги қонунларни қўпол равишда бузишдир. Шу сабабли мобил телефонларда-


ги рекламани тартибга солиш зарурати юзага келади.

Биз реклама хабарларини электр алоқа каналларидан юборишни тартибга солишни тақлиф қилаймиз, бу амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган. Қонуннинг 19-моддаси ва Низомнинг 22-бандига мобил алоқа тармоқлари орқали рекламага фақат абонент ёки мижознинг реклама олишга олдиндан розилиги олингандагина йўл қўйилиши тўғрисида қўшимча киритиш тақлиф қилинади. Бунда маълумот бериш хизматлари рекламаси механизми аниқлаштирилган. У абонентга зарур маълумот тақдим этилганидан кейин тарқатилиши кераклиги тақлиф қилинмоқда. Баъзан аксинча бўлади, аввал реклама – кейин ахборот.

ТРАНСПОРТДАГИ РЕКЛАМА

Транспортдаги реклама борган сари шиддат билан кучайиб, оммалашиб борапти. Натижада уни тарқатиш билан боғлиқ кўп саволлар юзага келяпти. Ҳозирги Қонунда унга қўйиладиган талаблар етарлича батафсил эмас. Қонун қабул қилинган пайтда транспортдаги реклама эндигина юзага келмоқда эди. Бугунги кунда тажриба, амалиёт мавжуд, улар билан бирга қонунчиликдаги кўп жиҳатлар етарлича аниқ қайд этилмаганлиги, батафсиллаштириш ва аниқлаштиришни талаб қилиши равшан бўлиб қолди, улар тушунарли бўлиши ва бир хилда талқин этилиши керак. Муаммо шундаки, кўп ҳайдовчилар ўз машиналарида реклама тарқатувчиларга айланганлар, бироқ амалдаги қонун ҳужжатларида унга қўйилган талаблардан бехабарлар. Натижада уларда муаммолар юзага келмоқда. Шу сабабли бу борада ҳам аниқ таърифлар киритиш зарур бўлиб қолди. Биз Қонуннинг 21-моддасига бир қатор жиддий қўшимчалар киритишни тақлиф қилдик. Хусусан, реклама транспорт воситаларида **реклама берувчи транспорт воситаларининг эгалари ёки мулкдорлари билан тузадиган шартномага асосан ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги талаблари ва қоидаларига мувофиқ** жойлаштирилиши мумкинлигини белгилайдиган меъёрни. Компаниялар мулк ҳисобланган, улар балансида қайд этилган транспорт воситалари бундан мустасно. Бундай автомобилларда рекламани жойлаштириш учун шартнома ва иккинчи тарафнинг рухсати талаб қилинмайди.

Яна бир тақлиф қилинаётган янгилик шундан иборатки, **рекламани транспортда жойлаштириш тартиби ички ишлар органлари ўз ваколатлари доирасида белгиланади.** Сўз уни жойлаштиришни



ДЙХХХ органлари билан келишиш тўғрисида борапти. Унинг зарурлигини биз шу нарса билан асослаймизки, **транспорт воситаларида жойлаштирилган реклама ҳаракат хавфсизлигига хавф-хатар туғдирмаслиги, шу жумладан транспорт воситаларини бошқарадиган шахслар ва бошқа ҳаракат иштирокчиларининг кўриш доирасини чеклашмаслиги, техник**

регламентнинг бошқа талабларига мувофиқ келиши керак. Бунда бир нечта тақикловчи меъёрлар ҳам бор: **транспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда овозли рекламани тарқатишга, транспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда рекламани овоз билан тарқатишга йўл қўйилмайди. Транспорт воситаларидан фақат ёки асосан кўчма реклама конструкциялари сифатида фойдаланиш ҳам тақикланади.**



Бобур Рашидов:

– Ўтган йили Қўмита ва унинг ҳудудий органлари 1 000 дан ортиқ ҳолатда қонунчиликка риоя этилишини ўрганиб, натижада уларнинг ярмидан кўпида ҳуқуқбузарликларни аниқладилар.

Бир вақтнинг ўзида ўз машиналарида реклама тарқатувчилар мақомига эга ҳайдовчилар ёдда тутиши керак бўлган яна бир муҳим жиҳат. Реклама тарқатишдан улар **фойда (даромад)** оладилар ва **солиқ тўловчи** ҳисобланадилар. Демак, белгиланган тартибда **патент олишлари ва солиқ тўлашлари** керак.

БАРЧА КАСАЛЛИКЛАРНИ ДАВОЛАШ ТАКЛИФИ

Қўмита ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан дори препаратлари рекламасини тарқатиш билан боғлиқ вазият ўрганилганда бу борада ҳам тузатишлар талаб қилинаётганлигига гувоҳ бўлдик. Ҳаёт доим ўзгариб боради. Ҳатто энг мукамал қонун ҳам вақт ўтиши билан такомиллаштиришга муҳтож бўлиб қолади. Кўпгина тарқатувчиларнинг дори препаратларини ноҳалол ёки ишончсиз реклама қилиши истеъмолчининг соғлиғига жиддий зарар етказиши мумкин. Шу боис хатарларни камайтириш мақсадида Қўмита ушбу йўналишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан яқин ҳамкорликда ишлаяпти.

Дори препаратлари бозори бугунги кунда жуда жўшқинлик билан ривожланаяпти. Рекламаси амалдаги қонун ҳужжатларида батафсил қайд этилмаган тиббий хизматлар, витаминли ва биологик фаол қўшимчалар бозори тўғрисида ҳам шуни айтиш мумкин. Ана шу камчиликларга барҳам бериш зарурати юзага келди. Реал воқелик ва давр талабларидан келиб чиқиб биз Қонун 22-моддасининг амал қилишини кенгайтиришни тақлиф этдик. Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари, косметика ва маиший кимё воситалари рекламасидан ташқари, модданинг номига **тиббий хизматлар, шу жумладан даволаш усуллари, шунингдек витаминли ва биологик фаол озик-овқат қўшимчалари** рекламасини киритдик.

Яна бир жиддий қўшимча – **Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рухсатисиз дори воситаларининг ҳар қандай рекламасини тарқатиш тақикланади.** Биз ахлоқий мезонларга қўйиладиган талабларни кучайтиришни ҳам муҳим деб ҳисобладик. Кўпгина дори воситалари рекламасида уларнинг ижобий хоссалари кўпиртирилиб, айна вақтда уларнинг салбий таъсири тилга олинмайди. Бу – ноҳалол реклама бўлиб, у истеъмол-

чини чалғитади, препаратни қўллашнинг хавфсизлиги ва самарадорлигини шубҳа остига қўяди, соғлиққа зарар етказиши мумкин.

Амалдаги қонун ҳужжатларидан **даволаш сеанслари, гипноз ва руҳий ёки био-энергетик таъсир кўрсатишнинг бошқа усулларида фойдаланиш билан боғлиқ бошқа худди шундай тадбирларнинг** рекламасини чиқариб ташлаш тақлиф қилинди. Бизда ушбу фаолият лицензияланмайди. Уларга мурожаат қиладиган фуқароларнинг онгини чалғитадиган экстрасенслар, шифокорлар, табиблар орасида тиббий маълумотга эга бўлмаган фарибгарлар, товламачилар оз эмас. Улардан истеъмолчиларни ҳимоя қилиш учун бундай фаолият рекламасига чек қўйиш керак.

ҚўМИТА ВАКОЛАТГА ЭГА...

Реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш Монополиядан чиқариш давлат қўмитасига юкланган. Унинг ваколатларини энг мақбул даражада чегаралаш ва умумлаштириш учун Қонунга алоҳида 26-1-моддани киритиш тақлиф қилинмоқда, у реклама соҳасида назорат қилувчи органнинг хос ҳуқуқи нимадан иборатлигини батафсил белгилайди.

Бизда реклама нафақат ОАВ, балки ташқи реклама воситалари ёрдамида ҳам тарқатилади. Шу сабабли агар уларда ишончсиз реклама ўрин олган бўлса, қарши реклама худди ўша **реклама воситаларида,** рад этилаётган реклама сингари ўша муддат, макон, жой ва тартибдан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши керак.

Шунингдек йил мобайнида реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такроран бузганлик учун жавобгарликни кучайтиришни тақлиф қиламиз. Бундай ҳоллар асосан минтақаларимизда мавжуд. Шу сабабли Қонуннинг 29-моддасида назарда тутилган жавобгарликни кучайтириб, уни **реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишга барҳам бериш тўғрисида кўрсатма тақдим этилган кундан бошлаб бир йил мобайнида реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такроран бузганлик учун** меъёри билан тўлдиришни тақлиф қиламиз, ташқи рекламани жойлаштириш тартибига риоя этмаганлик учун реклама берувчилар, рекламани ишлаб чиқарувчилар ва тарқатувчилар ваколатли давлат органи томонидан энг кам иш ҳақининг 30 бараваридан 50 бараваригача миқдорда жаримага тортилишлари мумкин.

Аҳоли маблағларини жалб этиш билан боғлиқ қимматли қоғозлар ва хизматлар рекламасини тартибга солувчи Қонуннинг 25-моддасига қўшимчани ҳам қайд этиб ўтиш керак. Унда айтилишича, **молия хизматлари рекламаси хизматларнинг тўлиқ шартлари, хусусан, ойлик ва йиллик фойз ставкалари ҳамда истеъмолчи кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида тўлиқ ахборот олиш имкониятига эга бўладиган бошқа ахборот ҳам истеъмолчиларга очик-равшан ва энгил тушуниладиган шаклда тақдим этилиши керак.** Ушбу тақлиф истеъмолчиларни ҳимоя қилиш мақсадида, шунингдек молиявий хизматлар бозорида монополияга қарши бошқаришнинг жорий этилишига мувофиқ киритилмоқда, бу ушбу йилда қабул қилинган «Рақобат тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган.

Монополияга қарши қўмита реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир тақлифлар лойиҳасини муҳокама қилиш учун очик. Биз реклама бозори субъектлари, шунингдек реклама йўналтириладиган истеъмолчилар билан мулоқот қилишга тайёрмиз. Реклама берувчилар, реклама тарқатувчилар, уни ишлаб чиқарувчиларни лойиҳани шакллантириш чоғида муҳокамага жалб этиш уларнинг фикрларини тўлиқроқ ҳисобга олиш, қонун ҳужжатларидаги номукамалликларга барҳам бериш, қонун самарадорлигини ошириш имконини беради.

Ирина ГРЕБЕНЮК,
мухбиримиз.

ИШ ҚИДИРИШ: ИККИНЧИ УРИНИШ

Мен иш қидирдим, Бандлик марказига мурожаат қилдим, бироқ рад жавоби олдим. Мени ишсиз деб тан олишлари учун у ерга қайта мурожаат қила оламанми?

С.Митяев.

– Ҳа, мурожаат қила оласиз.

Одатда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази иш қидираётган шахсни ишсиз деб эътироф этиш тўғрисида у рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн биринчи кундан кечиктирмай қарор қабул қилади. Бунда бир шартга риоя этилиши керак – агар рўйхатга олинган кундан бошлаб дастлабки 10 кун мобайнида талабгорга тўғри келувчи иш таклиф қилинмаган ёки меҳнат органи ўз йўлланмаси билан юборган шахсни корхонада ишга жойлаштириш рад этилганлиги тўғрисида жавоб олган бўлса («Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддаси) (1.05.1998 йилда 616-1-сон Қонун тахририда, бундан кейин – Қонун).

Таклиф этилган ишдан бош тортган кундан ёки мақбул келадиган ишни қидириш мақсадида узрсиз сабабларга кўра меҳнат органига келмаган кундан бошлаб 30 календарь кун ўтганидан кейингина шахс иш қидираётган сифатида қайта рўйхатдан ўтишга ҳақли бўлади.

Фуқароларни ишсиз сифатида рўйхатга олиш тартиби Фуқароларни меҳнат органларида рўйхатга олиш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом (АВ томонидан 13.10.1999 йилда 831-сон билан рўйхатдан ўтказилган, бундан кейин – 831-сон Низом) билан белгиланади.

Куйидаги фуқаролар ишсиз деб тан олиниши мумкин эмас: иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатга олинган кундан бошлаб дастлабки 10 кун мобайнида таклиф қилинган мақбул ишдан икки марта бўйин товлаганлар;

ана шу муддатда мақбул ишга таклифнома олиш учун меҳнат органига (қишлоқ жойда – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳудудига бириктирилган туман Бандликка кўмаклашиш маркази ходими ҳузурига) узрли сабабсиз келмаганлар;

туридан қатъи назар ўқув юртларида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқийдиганлар, бундан таълимнинг сиртки шаклида ўқийдиганлар мустасно;

ёши ва оладиган пенсияси туридан қатъи назар ногирон ва пенсионерлар, шунингдек пенсия тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсия таъминотига ҳуқуқи бўлган шахслар, ҳатто улар томонидан пенсия расмийлаштирилмаган бўлса ҳам;

икки ёшга тўлгунга қадар болани парвариш қиладиган, ишламайдиган аёллар;

ишни ўзгартиришни хоҳлайдиган, бироқ рўйхатга олиниши пайтида ишлаётган ёки корхоналарда штатда турганлар, корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар;

суднинг ҳукми билан эркинликдан маҳрум этилмаган ҳолда ахлоқ тузатиш ишига маҳкумлар;

фермер хўжалиқларининг раҳбарлари ва аъзолари (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хўжалик китобида фермер хўжалиги таркибиде ёки фермер хўжалигини барпо этиш тўғрисида аризада кўрсатилганлар), шунингдек давлат ҳокимияти органларида юридик шахсни ташкил этмаган тадбиркорлар сифатида рўйхатга олинган шахслар;

амалда деҳқон хўжалигини юритувчи ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурдаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига деҳқон хўжалиги аъзолари сифатида бадал тўловчи деҳқон хўжалиқларининг аъзолари.

831-сон Низомнинг 39-банди.

Реклама



Электрон маълумотнома тизими

КАДРЛАР БЎЙИЧА МАСЛАХАТЧИ

Харид қилиш масалалари бўйича куйидагиларга мурожаат қилинг:
Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1. 6-қават.
Тел./факс:(998 71) 283-23-74.
E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz

БАНДЛИК ХИЗМАТИ ЁРДАМ БЕРАДИ

Мен ўз хоҳишим билан ишдан бўшайман. Агар иш топа олмасам, Бандликка кўмаклашиш марказида ишдан бўшатирилганим туфайли мени ишсиз деб эътироф этишдан бош тортишлари мумкинми?

Ш.Холмуродов.



– Йўқ, мумкин эмас. Аввалги иш жойидан бўшатишнинг сабаб ва асослари фуқароларни ишсиз сифатида рўйхатдан ўтказиш учун аҳамиятга эга эмас.

Иш қидираётган шахсни ишсиз деб эътироф этиш тўғрисидаги Қонун (шарҳ) Бандлик маркази томонидан иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган кундан эътиборан ўн биринчи кундан кечиктирмай қабул қилинади, башарти рўйхатга олинган кундан бошлаб дастлабки 10 кун мобайнида унга тўғри келадиган иш таклиф қилинмаган ёки меҳнат органининг йўлланмаси бўйича корхонада ишга жойлаштиришдан бош тортилган бўлса (Қонуннинг 3-моддаси; 831-сон Низомнинг 40-банди).

ФАҚАТ ХОДИМНИНГ РОЗИЛИГИ БИЛАН

Мен лойиҳа институтида ишлайман. Бизнинг вилоятларда таркибий бўлинмаларимиз бор. Мени, 3,5 ва 9 ёшли болаларим бўлса ҳам, буйруқ чиқариб хизмат сафарларига юборишади. Шу қонунийми?

Динара.

– Меҳнат кодексига (бундан кейин – МК) кўра ҳомиладор аёлларни ва 14 ёшга тўлмаган боласи (16 ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларни уларнинг розилигисиз хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди. Бунда хизмат сафарига боришдан бош тортиш меҳнат интизомини бузиш сифатида қаралиши мумкин эмас.

Сизни хизмат сафарига фақат розилигиниз билан юборишлари мумкин (ФКнинг 228-моддаси).

Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ, эксперт-юристамиз.

Ходима касал бўлиб қолган 80 яшар отасига қараб туриш учун унга иш ҳақи сақланмайдиган таътил беришни сўрапти. Бундай таътилни чегараланган муддати борми? Бундай муносабатларни қандай қилиб тўғри расмийлаштириш мумкин?

Кадрлар бўлими.

– Меҳнат кодексига иш ҳақи сақланмайдиган таътилни

қанча вақт давом этишини белгилайдиган меъёрлар мавжуд эмас. Бирдан-бир талаб – мазкур масала бўйича ходим билан иш берувчи ўртасида келишувга эришиш (МК 150-моддасининг биринчи қисми).

Таътилни расмийлаштириш учун ходимнинг аризаси ва иш берувчининг буйруғи кифоя. Иш берувчи ташкилий ёки корхона фаолияти билан боғлиқ бошқа шарт-шароитлар бўйича ходимга бундай таътил берилишини рад этишга ҳақли.

Бундан 1941–1945 йилларда-

ҲАММАСИ МУАЙЯН

ги уруш қатнашчилари ва имтиёзлари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахслар¹, ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронлари, 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган болани парвариш қиладиган аёллар, 12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёллар мустасно, улар ҳар йили 14 календарь кунга қадар иш ҳақи сақланмайдиган таътидан фойдаланишга ҳақлилар. Кўрсатилган тоифадаги фуқаролар учун ҳам бундан кўпроқ муддат ташкилотнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тарафларнинг келишуви бўйича белгиланади.

Ходим учун бундай таътилни

бирдан-бир афзаллиги – унинг иш жойи сақланиши, бу жойга бошқа ходим фақат муддатли шартнома бўйича асосий ходим ишда бўлмайдиган вақтга қабул қилиниши мумкин (МК 105-моддасининг учинчи қисми).

Иш стажига иш ҳақи сақланмайдиган таътилда бўлиш вақти киритилиши Меҳнат кодексига тартибга солинмайди, фақат меҳнат таътили олиш учун за-

рур стажга 14 кундан ортиқ таътил даврлари киритилмаслиги белгиланади (МК 142-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошиси).

Шундай бўлса-да, пенсияни ҳисоблаб ёзиш учун меҳнат стажига фақат Пенсия жамғармасига бадаллар тўланадиган иш ҳақи олиш даврлари ҳисобга олинишига асосланиб, Пенсия жамғармаси ходимлари меҳнат

¹Уруш қатнашчиларига тенглаштирилаётган шахслар рўйхати (ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарори билан тасдиқланган Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга 1-илова, бундан кейин – 252-сон Низом).

²Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 19.01.2000 йилда 872-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

³ВМнинг 1.07.2011 йилдаги 195-сон қарорига 1-илова.

Реклама

“AMIR-AUDIT” МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия.
УЎР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси.

Ўзбекистон
Республикасидаги
барча хўжалик юритувчи
субъектларда аудиторлик
текширувлари ўтказиш

Малака сертификатли
аудиторларни ишга қабул
қиламиз

Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Тел.: (+99890) 187-04-68, (+99890) 644-62-23,
296-55-78; факс (8371) 296-52-15

«ИШСИЗ» ЁКИ «ИШЛАМАЙДИГАН»?

Мен пенсионерман, иш қидиряпман. Меҳнат биржасига мурожаат қилиб, ишсиз сифатида рўйхатдан ўтишим мумкинми?

С.Макаров.

– Йўқ, мумкин эмас, чунки Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ 16 ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги, иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга қобилиятли шахслар ишсиз деб эътироф этилади.

Шу тариқа, ногирон ёки пенсионер фуқаролар (ёши ва оладиган пенсия туридан қатъи назар), шунингдек пенсия тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлган шахслар, ҳатто уларга пенсия

расмийлаштирилмаган бўлса ҳам, ишсиз деб эътироф этилишлари мумкин эмас (831-сон Низомнинг 38 ва 39-бандлари).

Бироқ шуни тушунтириб ўтиш лозимки, иш қидириш мақсадида бевосита яшаш жойидаги меҳнат органига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳудудига бириктирилган туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш маркази ходимига мурожаат қилган, меҳнат қилиш, профессионал тайёргарлик ва қайта тайёрлаш, малака оширишга тайёр шахслар, шу жумладан меҳ-

нат фаолиятини тиклаш (давом эттириш)ни хоҳлайдиган пенсионерлар, ёшларидан қатъи назар, иш қидирувчи

шахслар сифатида рўйхатга олинишлари мумкин (831-сон Низомнинг 17-банди).



Кадрлар бўлимида ишлашим сабабли тезкор ҳал этилиши талаб қилинадиган кўп ҳолатларга тўқнаш келаман. Мана, мисол учун, асосий ходима болани 3 ёшгача парвариш қилиш бўйича таътилга чиққан даврда унинг ўрнига муддатли меҳнат шартномаси бўйича ходима қабул қилинди. Ҳозирда иккинчи ходима ҳам болани 2 ёшгача парвариш қилиш таътилида. Асосий ходима таътилдан 2012 йил 5 сентябрда қайтади. Агар иккинчи ходиманинг боласи 2012 йил 20 ноябрда 2 ёшга тўлса, у билан меҳнат шартномасини қачон бекор қилиш керак?

З.Менгалиева.

АСОСИЙ ХОДИМНИНГ ЎРНИНИ БЎШАТИНГ

– МК 76-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисига мувофиқ муддатли меҳнат шартномалари вақтинча ишда бўлмаган асосий ходимнинг мажбуриятларини бажариш даврига, яъни бошқа ходим қабул қилинадиган ишни бажариш шартларини ҳисобга олган ҳолда номуайян даврга шартномаларни тузиш мумкин бўлмаганда, тузилиши мумкин. Бунда вақтинча ишда бўлмаган асосий ходимнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ иш жойи (лавозими) сақланади. Меҳнат шартномасининг муддати бундай ҳолларда вақтинча ишда бўлмаган асосий ходимнинг ўз меҳнат мажбури-

ятларига қайтиши вақтига боғлиқдир. Шу тариқа, иш жойи (лавозими) сақланадиган асосий ходим ишда бўлмаган вақтида тузилган меҳнат шартномаси ана шу ходим ишга қайтган кундан бошлаб (МК 105-моддасининг учинчи қисми), яъни сизнинг ҳолатингизда иккинчи ходима боласининг ёшидан қатъи назар бекор қилинади, бу эса 2012 йилнинг 5 сентябри бўлади, бироқ уни иш берувчи ва меҳнат органи албатта ишга жойлаштириши керак, бу даврда унинг иш ҳақи сақланади, бироқ у 3 ойдан ошмаслиги керак (МК 237-моддасининг иккинчи қисми).

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ МУДДАТИ ТУГАГАНДА

Меҳнат шартноманинг муддати тугаяпти. Иш берувчи уни янги муддатга тузишни хоҳламаяпти. Шундай қилиши қонунийми?

Наргиза.

– Ҳа, қонуний, чунки МК 105-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ муддатли меҳнат шартномаси муддати тугаши билан бекор қилинади.

Меҳнат кодексига иш берувчининг муддатли меҳнат шартномасини узайтириш мажбурияти назарда тутилмаган, бунда агар иш берувчи амал қилиш муддати тугаганлиги сабабли меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилган бўлса, ходим меҳнат муносабатларини давом эттиришни талаб қилишга ҳақли эмас.

Меҳнат шартномасининг амал қилиш муддати муайян сана (масалан, 1 йил), у бошланиши билан (масалан, унинг йўқлиги пайтида муддатли шартнома тузилган ходимнинг ишга чиқиши) меҳнат муносабатлари бекор қилиниши керак бўлган муайян

воқеа ёки у (улар) бажарилганидан кейин тарафлар меҳнат шартномаси бўйича ўзаро мажбуриятлардан озод этиладиган муайян иш (ҳаракатлар) билан белгиланиши мумкин.

Иш берувчи ходим билан меҳнат шартномаси мазкур асосга кўра бекор қилинганда иш берувчининг ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилишнинг айрим ҳоллари учун МКда белгиланган (МК 100-моддасининг 5-банди) махсус қўшимча кафолатларни эътиборга олишга мажбур эмас. Хусусан, ходим билан меҳнат шартномаси МКнинг 105-моддасига кўра унинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида бекор қилиниши мумкин, чунки меҳнат шартномаси муддати тугаши уни бекор қилишнинг мустақил ва мажбурий асоси ҳисобланади.

Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ, эксперт-юристимиз.

ВАЗИЯТГА БОҒЛИҚ

фаолиятининг исталган даврини текширишга ҳақлилар (252-сон Низомнинг 35-банди). Шунда давлат пенсиясини тайинлаш учун зарур стаждан иш ҳақи бўлмаган ойлари чиқариб ташланади.

Бошқа томондан, давлат бошқаларнинг парваришига муҳтож кексалар тўғрисида ғамхўрлик қилишни рағбатлантиради. Шу боис фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи даволаш-профилактика муассасасининг хулосасига кўра берган, 80 ёшга етган шахсга қараш зарурлиги ва бунинг вақтини тасдиқлайдиган маълумотнома

асосида ушбу давр кекса киши билан бирга яшайдиган шахсга пенсия олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига ҳисобга олинади (252-сон Низом 12-бандининг «д» кичик банди, 35-банди «д» кичик бандининг учинчи ва тўртинчи хатбошилари), бироқ бунинг учун парвариш қилувчида одатдаги меҳнат стажининг камида 5 йили бўлиши лозим («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддаси).

Хулоса Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш даволаш-профилактика муассасаларида вақтинча меҳнатга қоби-


лиятсизлик экспертизаси тўғрисида низомга² мувофиқ кекса киши яшайдиган жойдаги поликлиниканинг тиббий-маслаҳат комиссияси (ТМК) томонидан ёки ТМК йўлланмаси бўйича ўтказилган, тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг (ТМЭК) кўриқдан ўтказиш натижаларига кўра (Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларида фуқароларни кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида низомга³ 14-бандининг саккизинчи хатбошиси) берилади.

Римма СОЛОДОВНИКОВА, эксперт-юристимиз.

Реклама

ЯШАШ УЧУН ВАГОНЧАЛАР

Ҳар хил турдаги вагончаларни ишлаб чиқариш Маҳсулот сертификатланган



Тел. (+99890) 999-07-06, 253-39-99
E-mail: dmitriy@modul-stroy.uz

СТАТИСТИК ҲИСОБОТНИ «eSTAT» ОРҚАЛИ ЖЎНАТИНГ!

ШАКЛЛАР ҚИСКАРТИРИЛДИ, ДАВРИЙЛИК УЗАЙТИРИЛДИ

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Президентимизнинг шу йил 16 июлда қабул қилинган «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4453-сон Фармони ҳам аини мақсадга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Бугунги кунда замон талабларидан келиб чиққан ҳолда давлат статистикаси, солиқ ва молия ҳисоботларининг шакллари қисқартириш, уларни тақдим этиш механизмини такомиллаштириш, бизнес субъектларини ташкил этишни содда-лаштириш ва уларнинг эркин фаолиятини таъминлаш масалаларига устувор эътибор қаратилмоқда. Юқорида келтирилган Фармон бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Фармоннинг 2-иловасига асосан 2013 йил 1 январдан бошлаб бекор қилиниши белгиланган давлат статистика ҳисо-

ботлари рўйхати тасдиқланди. Унга кўра 65 турдаги давлат статистикаси ҳисоботлари шакллари қисқартирилиб, айрим ойлик ҳисоботлар чораклик муддатга ўзгартирилди, ҳисоботларнинг бир-бирини такрорловчи шакллари бирлаштирилди, республика вазирлик ва идоралари ҳисоботларидаги маълумотлардан фойдаланиш ҳамда статистик танланма кузатувлар ёрдамида маълумотларни йиғиш жорий этилди.

2012 йил июль ойидан бошлаб 12 турдаги давлат статистика ҳисоботлари шакллари тақдим этиш муддатлари ўзгарди. Мисол учун, 1-mehnat «Меҳ-

нат ҳисоботи», 4-M «Корхонанинг молиявий аҳволи ҳисоботи» каби ҳисоботлар даврийлиги ойликдан чоракликка, 2-yoqilg'i «Ёқилғи келиб тушиши, сарфи ва қолдиқлари тўғрисида» ҳисоботи чоракликдан йилликка ўзгартирилди. 11 турдаги давлат статистика ҳисоботлари шакллари тақдим этиш муддатлари 2013 йилнинг 1 январидан ўзгартирилиши ҳам тадбиркорлик субъектлари учун аини муддао бўлди. Жумладан, 1-FX «Фермер хўжалиги фаолияти тўғрисида», 1-DX «Деҳқон хўжаликлари фаолияти тўғрисида»ги давлат статистик ҳисоботлари даврийлиги чораклик ўрнига ярим йиллик ва бир йиллик қилиб белгиланди. 4-invest «Инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши тўғрисида» ҳисоботи ойлик ўрнига чораклик ҳисобот таркибига киритилди.

Статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурига асосан микрофирма ва кичик

корхоналарнинг ҳисоботини йиғиш даврийлиги чораклик ҳисобланади. Мазкур Фармонга асосан 2013 йил 1 январдан бошлаб микрофирмалар йилда бир марта йиллик статистик ҳисобот тақдим этидилар. Статистика органлари тегишли фаолият йўналишлари ва соҳалар бўйича чораклик танланма кузатувлар ўтказиш йўли билан зарур маълумотларни шакллантирадилар.

Давлат статистика қўмитаси томонидан статистик ҳисоботларни Интернет тармоғи орқали электрон шаклда қабул қилиш учун «eStat» тизими жорий этилгани ҳам тадбиркорлик субъектлари учун яна бир қулай имконият бўлди. Ҳозирда электрон ҳисобот қулайликларидан фойдаланаётган ишбилармонлар сафи кенгайиб бораётгани алоҳида эътирофга лойиқ ишдир.

Алижон НУРБОЕВ,
Сирдарё вилояти статистика бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Криминалист эксперт ён дафтаридан

ЎЗГАНИНГ ТУЛПОРИ ЎЗИНГНИКИ ЭМАС

Янги давр, янги иқтисодиёт, таассуфки, янги-янги жиноят ва ҳуқуқбузарликларни ҳам келтириб чиқарди. Биз учун тамомила «янги» ишлардан бири бўйича бир сафар гайриодатий текширишлар олиб боришимизга ҳам тўғри келди.

Фирмалардан бирининг раҳбарияти шаҳарнинг турли жойларидаги рекламалари тахта-лавҳаларига (шчитларига) жойлаштирган рекламалари бошқасига ўзгартириб қўйилганлиги хусусида берган ариза асосида иш олиб борилди. Шу зайил бизга тахта-лавҳалардаги рекламалар алмаштириб қўйилганлигини аниқлаш учун йигирмадан ортиқ тахта-лавҳаларни текширишни сўраб мурожаат қилишди. Илгарилари бундай экспертиза ўтказмаганлигимиз учун ҳам аввалига олдимиизга қўйилган муаммони ҳал этишнинг, тегишли жавоб топишнинг уйдасидан чиқамизми-йўқми, ўзимиз ҳам билмасдик.

Кўз қўрқоқ, қўл ботир деганларидек, биз, икки эксперт (трассолог ва кимёгар) айтилган объектларни кўздан кечириш учун йўлга тушдик. Авжи саратон кунлари эмасми, ҳамма ўзини сояга урган. Шундай паллада шаҳар бўйлаб ўзинг ҳам яхши билмайдиган нарсани излаб, саргардон бўлиш осон эмасди, албатта. Дастлабки тахта-лавҳани кўздан кечираётиб устунининг пастрогида кўндаланг пайванд чоклари борлигини кўриб, гапнинг рост, қувониб кетдик. Чоклар яхшилаб тозаланиб, бўяб қўйилган экан, шу боис кимёгар ҳамроҳим устуннинг бир неча жойидан бўёқларни лаборатория текшируви ўтказиш учун қиртишлаб қириб олди. Кейинчалик лабораторияда ўтказилган текширишлар пайванд чокларининг у ёни билан бу ёнидаги бўёқ қатламларида тафовут борлигини

аниқлаб берди.

Ишимизни давом эттириш асносида текшириб қўрилган рекламалари тахта-лавҳаларнинг ҳаммасида таянч устунларда пайванд чоклар борлигини аниқлашга муваффақ бўлдик. Бундан ташқари, баъзи тахта-лавҳаларда устун чокнинг у тарафида бошқа, бу тарафида бошқа металл прокатдан ташкил топган эди. Чокларнинг пастки ва устки томонида устун бўёғи ҳам, табиийки, бир-биридан фарқ қиларди. Ана шу белгилар рекламалари тахта-лавҳалар чиндан ҳам дастлабки ўрнатилганидан кейин алмаштирилганлигини кўрсатар эди. Бошқа фирмаларга қарашли, шаҳарнинг турли жойларида ўрнатилган бир неча рекламалари тахта-лавҳаларни назорат тартибида кўздан кечириб, шунга ишонч ҳосил қилдикки, уларда устун ва тахта-лавҳалар бир бутун, бўёғи ҳам бўй барабар бир хилда эди.

Шундай қилиб, трассологик ва кимёвий текширишлар асосида шу нарсани аниқлаб, фотосуратлар билан тасдиқландики, текшириб чиқилган рекламалари тахта-лавҳалар устунни кесиб олиш ва унга бошқа тахта-лавҳани пайванд қилиш билан алмаштирилган, бўяб қўйилган ҳам экан.

Бу янги «қўндирилган» реклама мазмун-мундарижаси алмаштиришни рақобатлашувчи фирма содир этганлигини шундоққина кўрсатиб турарди. Афтидан, бу фирма реклама кампаниясини ўзганинг ҳисобидан, яъни бошқа фирма пулини тўлаган рекламалари тахта-лавҳани ўзиники билан алмаштириш йўли билан ўтказмоқчи бўлган кўринади.

Ольга МАРШАНСКАЯ,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги Республика суд экспертизаси марказининг давлат суд эксперти.

Эълонлар

СОТИЛАДИ

Совуткич камера 3600 м³. 1 йилда ўзини оқлайди (850 000)*. Тел.: 926-32-23.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*.

Тел.: 281-52-39,
(+99890) 346-16-89.

Хўжалик масалалари бўйича адвокат. МЧЖ, ХКларни рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш*. Тел.: 385-74-02, 322-37-99.

«ASR ADVOKATI» адвокатлик бюроси қуйидаги хизматларни кўрсатади: исталган мураккабликдаги хўжалик низолари, жиноят ишлари, дебиторлик қарзларини ундириш*.

Тел.: (+99890) 989-19-07,
(8371) 242-46-23.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*. Тел. (+99890) 346-16-89.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*. Тел. (998 90) 370-63-06.

ХИЗМАТЛАР

ТАРЖИМАЛАР БЮРОСИ: юридик, техник, тиббиётга оид матнларни таржима қилиш. Тасдиқлатиш. Легаллаштириш. Тел.: 252-38-71, 808-79-76.

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

Картрижларни тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Тел.: 127-15-28, 914-67-79.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

Иқтисодий-ҳуқуқий газетани
НОРМА МАСЛАХАТЧИ ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Namkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 283-44-27
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru
www.norma.uz
Нашр учун маъсул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келавермайди.

Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

«Норма маслаҳатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «Норма» газеталари бирлашган тахририяти МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида «TOPPRINT» МЧЖ босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс - 186 Буюртма 454 Адади 2 780. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2012 йил 31 августда соат 22.00 да топирилди.
ISSN 2010-5223